



МАДАНИЯТ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВАЗИРЛИГИ НАШРИ

№28 (58) 11.07.2019 йил

Тараддуд



“Буюк ипак йўли” да дўстлик алёрлари



8 июль куни Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигига 11-13 июль кунлари Марғилон шаҳрида бўлиб ўтадиган I “Буюк ипак йўли” халқаро фольклор санъати фестивали олдидан матбуот анжумани ташкил қилинди.

Анжуманда маданият вазирининг биринчи ўринбосари О.Назарбеков, республикамизнинг турли худудларида фаолият олиб бораётган фольклор жамоалари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этишиди.

Унда мамлакатимизда миллий мусиқи меросимизни кўз қорачигидек араб-авайлаш масаласи Президент Шавкат Мирзиёевнинг доимий эътиборида эканлиги таъкидланди. Юртимизда миллий санъатни равнав топтириш борасидаги эътибор натижаси ўлароқ, эндиликда ҳар иккى йилда бир марта Марғилон шаҳрида “Буюк ипак йўли” халқаро

фольклор санъати фестивали ўтказилиши кўзда тутилмоқда.

Тарихий манбалардан маълум бўлишича, Буюк ипак йўли ташкил топмасдан анча илтариёқ қадимиги Шарқ, хусусан, Ўрта Осиё ҳудудларида ўзаро алмашинув ўлларимавжуд бўлган. Бронза давридаги (милоддан аввалиг 3-II минг йилликлар) ана шундай ўллардан бири “Ложувард

йўли” деб аталиб, унинг бир таромоги Бадаҳшон, Бақтрия ва Марғиёна ҳудудларини Хоразм, Сўғд, хозирги Марказий Козогистон ва Урал билан борлаган бўлса, яна бир таромоги Бақтрия ва Марғиёндан Месопотамияга қадар чўзилган. Бу йўл Помир тогларидан бошланниб, Эрон, Одд Осиё, Миср оркали ўтган.

Ўрта Осиё ҳудудларида ривожланиш жараёнлари

антик даврдан бошлаб Буюк ипак йўли билан узвий боғлиқ. Хусусан, милоддан аввалиг II асрдан бошлаб Хитой ва Ўрта Осиё тарихий-маданий вилоятлари билан савдо ҳамда маданий алоқалар ривожланиб борган. Фаргона, Сўғд ва Бақтрияга ипакчилик кириб келган. Карвон йўли ривожланган сари ба алоқалар тараққий топди.

Давоми 2-саҳифада

Тақдимот

Муқаддас туйғу тараннуни

Она юрга мөхр-муҳаббат, садоқат — муқаддас туйғу. Бу туйғуни ёш авлод қалбига сингдириш эса ўта муҳим ва шарафли иш. Хоразм вилояти кўғирчоқ театри ижодий жамоаси томонидан саҳналаштирилган “Калдирғоч билан Майна” номли спектакль ана шу эзгу мақсадга хизмат қиласди.

Муяссан Шодиева сценарийси асосида режиссёр Гулбаҳор Юсупова бошчилигида саҳналаштирилган томошада тарбиявий аҳамиятга молик, таъсирчан воқеалар қушлар ҳаёти орқали ифода

етилган.

Майналарнинг алдови туфайли “кора кучлар” оқимига тушиб қолган Қалдирғочбек туғилиб ўслан жойини Тардигачбек она диёрига кайтади, Ватани қадрини англаб ётади.

Спектаклдаги турли образларни ижро этган Азиза Тиллаева, Райхон Назаро-

ва, Ҳурсанд Соипов, Нилуфар Назарова ва бошқаларнинг маҳорати тақдимотда иштирок этган бадиий кенгаш аъзолари, мутахассислар томонидан эътироф этилди.

Театр директори Д.Атабаев, адабий эмакдош Д.Юсупов, актёр А.Тиллаева, шунингдек, спектакль тақдимотида бевосит иштирок этган асар муаллифи М.Шодиева ва бошқалар болажонлар тарбиясида муҳим аҳамиятта молик саҳна асари мувafferиятини таъминлаган ибратли жиҳатлар ҳақида фикр-

мулоҳозаларини, шунингдек, таклифларини билдирилди.

Ушбу янги саҳна томошаси нафақат болажонларга ажойиб совға, балки ижодий жамоанинг ҳам ўзига хос юбилей тухфаси бўлди. Бу йил театр ташкил топган сананинг 25 йиллиги нишонланади. Чорак асрларини олди, яхши олди, яхши олди.

Отабек ИСМОИЛОВ,
журналист

Донолар сўзлайди...

!

Бор овозни кўйиб кулмагин сира,
Тубанлик бўлар бу кишилар ора.
Юсуф Ҳос Ҳожиб

Агар сенга сукут билан жавоб қайтаришган
бўлса, бу жавоб қайтаришмади, дегани эмас.
Сукрут

Ақллиг киши ҳеч демас қалом,
Каломин бирор қиласдан тамом.
Сайдий Шерозий

» Ташриф

Маданият вазири Қорақалпоғистонда



» Давоми. Боши 1-саҳифада

“Буюк ипак йўли”да дўстлик алёрлари

Табиийки, миллатлар ва мамлакатлар ўргасидаги маданиятни ришталари мустахкамланиб, мусиқа, халқ ижодиётни, амалий санъат соҳаларида ҳам ўзаро алмашинувлар бўлган. Бунинг натижасида мақом санъати, бахшилик ва дoston ижроилиги ривожланди, янги турдаги созлар пайдо бўлди, чолгу асбоблари ясаш, нақш, куоллик, хаттотлик тақомиллашди. Шундай қилиб, Буюк ипак йўли нафақат моддий, балки мъзаввий бойликлар ортишига, маданиятлар турфа хиллиги кенгайишига катта хисса кўшиб, қадим фольклор санъатининг сақланиши ва ривожланишида ҳам асосий омиллардан биро бўлди.



Ушбу фольклор байрами миллий мусикий меросимизни кўз қорачигидек асраб-авайлаш, уни ҳалқаро миқёсда тарғиб этиш, бу йўналишда ижод килаётган ижроиларни ҳар жихатдан кўллаб-куватлаш ва разбатлантириш, фаолиятини кент жамоатчиликка тарғиб этиш, маданий-маърифий алоқаларни ҳалқаро миқёсда яна-да ривожлантириш каби мақсадларни кўзлаши билан аҳамиятилди.

Анжуманда маълум қилинишича, “Буюк ипак йўли” фестивали доирасида иммий-ижодий конференция, давра сухбатлари, сайллар, концертлар, кўргазмалар ташкил этилади. Мусиқа ихлюсмандлари учун ҳаваскор бадиий фольклор жамоалари, ашула ва рақс ансамбллари, яккахон ижроиларнинг концертлари бўлиб ўтади. Шунингдек, кўшиқчилик санъати (алла, ўлан, лапар, терма, маросим кўшиқлари, ҳалғачилик ва бошқа йўналишларда), рақс санъати (турли ҳудудларга хос рақс санъати), қадимий миллий фольклор чолгучилик санъати (миллий мусиқа чолгуларида куй-кўшиклир ижроси) каби номинациялар бўйича ижодий танлов ўтказилиди.

Санъат байрамида Эрон, Хиндустон, Франция, Россия, Жанубий Корея, Япония, Туркия, Мўглистан ва бошқа давлатлардан фольклор жамоалари қатнашиши кўзда тутилган. Юртимиздан эса Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан “Сувсепар”, “Ёр-ёри”, “Сахро саборлари”, “Кармана”, “Гулдиёр”, “Бешқарсак”, “Бойсун”, “Чавки”, “Дехқон болалари”, “Наврӯз”, “Чодир жамол”, “Жўралар”, “Кабутар”, “Воҳа” ва бошқа жамоаларнинг чиқишилари кутилмоқда. Томоша давомида қадимий куй-кўшиклирни тинглаш билан бирга ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос либослари, анъана ва урфодатлари билан танишиш мумкин бўлади.

4 июль куни Ўзбекистон Республикаси маданият вазири Бахтиёр Сайфуллаев Қорақалпоғистон Республикасига ташриф буюрди.

Б.Сайфуллаев дастлаб Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг Нукус филиалида бўлиб, мазкур олий таълим

даргоҳида қабул жараёни қандай кечаятгани билан қизикди.

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг Нукус филиалида бу йил санъатшунослик, актёрлик, режиссёрик каби 8 та йўналиш бўйича абитуриентлардан ҳужжат қабул

қилинмоқда. Олий таълим муассаси бўйича бу йил жами 102 нафар талаба ўқишига қабул қилинади, уларнинг 24 таси давлат гранти асосида, 78 таси эса тўлов шартнома асосида ўқиши кўзда тутилган. Мазкур муассасада таълим қорақалпоқ тилида олиб борилади.

» Бизнинг сухбат

Анвар НАЗИР: “Тириклик бор ерда танқидлар, таҳлиллар бўлади”

Бугун одамларда ҳуқуқий маданиятнинг ошгани ва янгича давр бошланмоқда, дейишига арзийдиган ижобий воқеалар кўп кузатилмоқда. Жамиятимиздаги мана шу ўзгаришлар ҳақида тарих, сиёсат ва жамият бўйича мустақил таҳлилчи Анвар Назировнинг фикрлари билан қизикдик.



— Ўзбекистон ҳақиқининг бугунги ҳуқуқий маданияти, яшаш тарзи, сиёсий билимини ўтган давр билан таққослаганда қандай баҳолаш мумкин?

— Ушбу саволга жавоб излаш аслида жиддий масала ва иммий таҳлил асосида кўллаб-куватлашла ва разбатлантириш, фолиятини кент жамоатчиликка тарғиб этиш, маданий-маърифий алоқаларни ҳалқаро миқёсда яна-да ривожлантириш каби мақсадларни кўзлаши билан аҳамиятилди.

Ҳуқуқий маданият деган тушунча ҳуқуқий жамият, ҳуқуқий давлат билан келиб чиқади. Қадимига замонларда Ўзбекистон худудида фарқ қилган. Масалан, Турон тарихида Аштархонийлар суполоси, Темурйлар даври, Шайбонийлар суполоси даврни олиб қарайдиган бўлсан, уларда тасаввуф катта роль ўйнаган. Тасаввуфда “маломатия” деган тушунча бор. Унга кўра ҳар бир муслим олам камчиликларни яшимраслиги, холисона маълум килиши, ҳатто оддий ҳалқ вакили бўла туриб, подшоҳга қўрқмасдан ҳатто ва камчиликларни айтишни керак бўлган. Булар юкорида тилга олинган суполослар фолияти кўп учраган. Бу маданият Улугбек саройида, Шайбонийларда кузатилади. Бу суполосларни тасаввуфниг таъсири, яъни маломатия Абдулла Қодирий, Чўлпон ижодида яққол сизилади. Бунда Қодирий ва Чўлпонлар 1920 йилларда ижтимоий ҳаётдаги, сиёсий ишлардаги муаммоларни ўз ижоди орқали фош этишига уринади. Бу борада Абдулла Қодирий ва Чўлпонлар таъсирига жуда кўп насиҳатлар килиб, ҳатто уни танқид ҳам қилган. Собиқ шўро пропагандасига кўра, подшоҳлардан ҳалқ ва шо-

ирлар норози бўлиб, ҳатто уларни ҳақоратлаб байтлар ёзишган, ўз фикрларини очиқ маълум қилишган. Аммо ўша шоирларнинг биронласи ҳам жазоламаган, чунки танқидга амалдорлар табиий ҳол деб қарашган, урф-одатларга кўра маломатия борлигини, одамлар камчиликларни, атрофдаги бўлаётган мумаммоларни етказаётганини ва буни саброто билан тинглаган ҳолда тўтирихулоса чикариш кераклигини билишган. Масалан, Алишер Навоийнинг ижоди, ҳаётидаги воқеалар ҳам ушбу изоҳимни яна бир бор давлиллади. Яни Навоийнинг бу ҳаёт-ҳаракати учун уни Ҳусайн Бойқаро қаттиқ жазолаб, зинданбанд қилмаган ёки ўлдириб юбормаган. Афсуски, бу маломатия сўнгиги хонликлар даврида, Чор Россиеси кириб келганда, совет даврида ўзгарган. Масалан, Бухоро хонлигига ҳаттоки уламоларни танқид қилиш мумкин эмас, деган фатвотар ҳам чиқарилади ва вазият муракаблашиб ўзгариб кетади, яъни маломатия меросидан воз кечин бошланади. Лекин кескинлашиш совет тузуми кириб келиши билан бошланади. Аммо таникли француз олими Севан Дзодзянан айтади, жадидчилик адабийтида тасаввуфниг таъсири, яъни маломатия Абдулла Қодирий, Чўлпон ижодида яққол сизилади. Бунда Қодирий ва Чўлпонлар 1920 йилларда ижтимоий ҳаётдаги, сиёсий ишлардаги муаммоларни ўз ижоди орқали фош этишига уринади. Бу борада Абдулла Қодирий ижод қилиади: “Шайтоннинг Тангрига қарши исёни” да тасаввуф калитлари билан

совет тузуми кирдикорларини фош қилиб ташлади. Ҳатто бир мајлисда ошкоҳра ҳаракатдаги тузумнинг мумаммоларини ҳам санаб ўтади.

Афсуски, бу маломатияга совет ҳукумати ўта токатсиз қарайди ва 1929 йилдаги вазият – зинёларини қатагон қилиш бошланади. 1936 йилга келиб бу иш янада кенгайди ва 1938-1939 йилларда авжига чиқади. Бунда Қодирий, Чўлпон, Фитрат ва шу каби кўплаб зиёлиларимизнинг 60 фоизи давр қурбонига айланади. Жамиятда ҳуқуқий, сиёсий маданиятнинг кескинлик билан ўзгариши кузатилади, яъни кимким бошқарув ишларидаги хато ва камчиликларни ошкора танқид қилса ёки шунга монанд ижод қиласа, унинг на ўзи, на ҳуқуқий маданиятни инобатга олинган. Энг аиниарлиси шуки, иккни йўлдан бирини танлаш керади бўлган: ким социалистик турмуш тарзидан норози бўлса, у душман, яъни ҳалқ душмани деб топилган. Афсуски, бунинг асортлари ҳозиргача сезилади: одамларда ё “сен давлат тарафидасан, уни ҳандай бўлишидан қатъи назар, мақташинг, жизи бўлса, улмай маддохлик қилишинг керак”, ё “бирор кузатилаётган хато ёки камчиликни тилга олсанг, давлатга қаршисан, ҳукумат томонидан ҳалқ душманидек қараласан” деган тушунча бор. Бу тушунчалар иллатга айланиб улгурди ва жамиятимизнинг ривожланишига кетта тўсунлик килмоқда.

— Мулоқот қилиш маданиятимиз ҳақида ҳандай таҳлилларингиз бор?

— Истаймизи-йўқми,

Ўзбекистонда ҳам совет тизимишнинг таъсири қолган. Собиқ тузумда эркин мулоқот йўқ эди. Партия, унинг мафкураси ва омма бор эди. Омма эса буларнинг фикрига кўшилиши шарт эди. Шундай экан, у пайдада одамлар ўз фикрини яширип тарзда билдирган, чунки очиқ фикр учун жазолашлар ҳам бўлган. Лекин вазият 1986-1987 йиллардан бошлаб ижобий томонга ўзгара бошлади. Яъни эркинликнашидаси сезила бошлаганди.

Эркинлик – жуда мухим нарса. Биз баъзан эркинлик дегандага майший томонини тушунамиз. Бироқ ҳозир интеллектуал, сиёсий, ижтимоий ва зиёли бўлиб фикрлаш каби эркинлик ҳақида гапирадиган бўлсан, мустақилликка эришиш арафасидаги кент мулоқот қилиш ҳаракати бошланди. Масалан, 100 минг аҳоли ўзбектилининг давлат тилида бўлиши учун ўзаро биргаликда, эзгу бир мақсадда ҳаракат қилганини кириш мумкин. Яна бир қизиқ ҳақиқатни айтадиган бўлсан, 1917-1918 йилларда – Туркистон мухториятни пайдада одамлар, жамият қолоқ бўлган деб айтилади. Аммо ўша пайдада тарафидасан, уни ҳандай бўлишидан қатъи назар, мақташинг, жизи бўлса, улмай маддохлик қилишинг керак”, ё “бирор кузатилаётган хато ёки камчиликни тилга олсанг, давлатга қаршисан, ҳукумат томонидан ҳалқ душманидек қараласан” деган тушунча бор. Бу тушунчалар иллатга айланиб улгурди ва жамиятимизнинг ривожланишига кетта тўсунлик килмоқда.

Давоми 3-саҳифада »

» Учрашув

“Современник” Ўзбекистонга келади



» Давоми. Боши 2-саҳифада

ҳам мuloқot маданияти-
миз яхши шаклланди, дей
олмайман, яъни одамла-
римиздан бир-бiriни тинг-
лашда хурмат асосидаги
тоқатлилик йўқ.

Мисол учун, ижтимо-
ий тармоқни оладиган
бўлсак, у ерда ким қандай
мuloқot қилаётганини
яққол кўриш, кузатиш
мумкин. Ўзбекистон фука-
роларининг мuloқотида
тоқатлизинг, нафрат, мас-
харалаш, тушуниши, эши-
тиши истамасликни, хақ-
хукукларни химоя қилиш
учун жуда хунук сўзлардан
фойдаланишини кўп уч-
ратамиш. Биздаги одам-
лар бир нарсани тушу-
нишмайдики, жамиятда
ҳамманинг дунёкараши,
маълумотни ҳазм қилиши,
фикрлаши ҳар хил бўлади.
Аммо одамларни, миллат-
ни бирлаштира оладиган
унсурлар бор: давлатнинг
қонунлар асосида қабул
қилган тили, тарихи, мад-
даний мероси ва албатта
конституцияси. Юқорида
хукукий маданият ҳақида
тапкидим ва жойи келган-

да яна бир нарсани эслаб
ўтмоқчиман. Бизда одам-
ларнинг ҳукукий мада-
нияти деярли йўқ. Мисол,
ижтимоий тармоқларда
қандайдир мавзу ташла-
нади, дейлик, кимнинг-
дир қайси бир давлат сиё-
сатига алоқадор мақолоси
ёки шахсий постлари пай-
до бўлади ва унга одамлар
ўзларининг мақтобларини,
маддохлукка оид гаплари-
ни тақиқий изоҳларини
қолдирди. Қиёз жиҳати
шуки, тақиқ қилган ки-
шига нисбатан кўп ку-
затиладиган бир ибо-
рага кўзимиз тушади —
“ғийбат қилмалглар, ғий-
батчилар...”

Бу шуни кўрсатадики,
одамлар тақиқидни нор-
мал қабул қилмайди. Бу —
ёмон ҳолат. Бир гап бор:
ҳеч нарса, ҳеч қанақа жа-
раёнлар, ислоҳотлар ёки
ривожланишлар фақат
бир ерда — қабристонда
кузатилмайди. Шундай
экан, тирилик бор ер-
да тақиқлар, таҳлиллар
бўлади ва ҳоказолар ҳам.

— Европада ёки Аме-

рикада ҳам “ғийбат,
ғийбатчи” деган тушун-
ча борми?

— Уларда биздаги каби
бунақа гап-сўзларни деяр-
ли учратмаймиз. Танқидни
оддий ва нормал қабул
қилишади. Айниқса, дав-
лат ёки юридиқ шахслар
ишида танқидий ҳолатлар
сезилса, жамоатчилик фра-
ол бўлади. Қадимдан айти-
тиб келинадиган бир гап
бор — дўст ачитиб гапира-
ди, душман эса кулдириб.
Энди бир савол тугилади,
нега Ўзбекистон халқи
мурт фикр юритади? Са-
баби оддий — мамлака-
тимиз шу пайтагча ёпиқ
эди, хурлиқ йўқ эди, яъни
одамларимиз мустакил
фикрини айттолмасди,
мақсадларини мустакил
бажаролмасди, сайловлар-
да ҳам мустақиликни хис-
етиб бўйласди ва мустакил
баҳсадан узоқлашган эди.
Одамларни ижтимоий жиҳ-
дий мавзулар қизиқтиримай
кўйди. Чунки ўша мавзулар
муҳокамага ташланмайди.

Шу ўринда оммавий мад-
даният бўйича ҳам ай-

қилинди. Шунингдек, иккى мамлакат
етакчи театр жамоалари ўртасидаги ижо-
дий ҳамкорлик масалаларига ҳам алоҳида
тўхталиб ўтилди.

Ушбу театрга 1956 йилда асос солинган.
Унинг репертуаридан замонавий муал-
лифларнинг асарлари ўрин олган. “Сов-
ременник” жамоаси томошибин билан
замонавий тилда гаплашиш лозим, деган
акидага амал қиласди.



» Номоддий маданий мерос

Қадимий шахарларимиз ЮНЕСКО эътиборида



Бокуда бўлиб ўтган ЮНЕСКО Бутунжаҳон
мероси қўмитасининг 43-сессиясида Бу-
хоро ва Самарқанд тарихий марказлари-
ниң сақланиши борасидаги ҳисоботлар
хам кўриб чиқилди.


“Самарқанд бўйича қабул қилинган
хужжатда ЮНЕСКО Бутунжаҳон мероси
қўмитаси Жаҳон мероси маркази ва ИКОМОС-
га 2022 йилда бўладиган Шанхай ҳамкорлик
ташқилотининг саммити учун инфраструк-
турани ривоҷлантириш бўйича ўзбек томо-
ни лойиҳаларини биринчи навбатда кўриб
чиқиш мажбуриятини юклади. Мазкур пункт
айни пайтда ҳалқаро эксперталар билан бир-
галикда шаҳарни тараққиётни этиши бўйича
тайёрланаётган келгуси режаларни тезкор
кўриб чиқишини таъминлайди, — дейди Буш-
вазир ўринбосари Азиз Абдуҳакимов ўзининг
ижтимоий тармоқдаги саҳифасида. — Резо-
люцияда Самарқандни Бутунжаҳон меро-
си рўйхатидан чиқариш ҳақида ҳеч қандай
гап йўқ.”

“Бухоро ҳақидағи қарорда ЮНЕСКО Жаҳон
меросини бошқариш қўмитасининг ташкил
этилиши ва юзага келадиган муммаларни
ҳал қилиш учун идораларро максадли
гуруҳни яратишга эътибор қаратади.
Ўзбекистон томонидан Жаҳон мероси мар-
кази ва ИКОМОСнинг Бухоро бўйича тавсия-
ларини амалга оширишда салмоқли ишлар
қилинди. Ҳусусан, ҳалқаро эксперталар билан
ҳамкорликда шаҳарни сақлаб қолиш бўйича
зарурий хужжатлар тузилди ва улар тез орада
ЮНЕСКО томонидан тақдим этилади”, — деб
ёзди бош вазир ўринбосари.



Хужжатда Ўзбекистон раҳбариятининг
бутунжаҳон мероси обьектларини муҳофаза
қилиш чоралари тўғрисидаги қарорлари, шу-
нингдек, тарихий шаҳарларда қурилиш иш-
ларини олиб бориши учун тўлов муддати-
ни узайтириш ҳақидағи хукумат қарорлари
маъқулланди.

Бундан олдин ЮНЕСКО Шаҳрисабзни
бутунжаҳон мероси рўйхатидан чиқаришни
эмас, аксинча, кейинги иккى йилда шаҳарни
қайта тиклаш бўйича аниқ саъӣ-харакатларни
амалга ошириши таклиф этаётгани хабар бе-
рилган эди.



Музейлар хазинаси жавоҳирлари

Ўзбекистон Республикасида ягона археологик йўналишдаги Термиз археология музейи нафақат ўзининг ноёб экспонатлари, балки нодир ва бой кутубхонаси билан ҳам машҳурdir. У 2002 йил 2 апрелда Термиз шаҳрининг 2500 йиллик юбилеи муносабати билан ташкил этилган.

Музейфондидаги ҳозирги
кунда 17875 та китоб ва
журналлар сақланадиган
кутубхона мавжуд бўлиб,
ундан турли йўналишга
оид китоблар билан бир-
га қадимий тош босма
нашрлар ҳам ўрин олган.
Музей кутубхона фонди-
даги бундай асарларнинг
умумий сони 133 та бўлиб,
шундан 96 таси тош босма
китоблар, 37 донаси
еса қўлзим китоблардир.

Кутубхонадан ўрин олган мана шундай энг
қадимий китоблардан
бири араб тилида ёзил-
ган “Саҳиҳ-үл Бухорий”

1-жуз тош босма ки-
тоби бўлиб, унинг 208
та саҳифаси сақланиб
қолган. Мисрнинг Кохира
шахрида чоп этилган уш-
бу асар Абу Абдуллоҳ
Муҳаммад ибн Исмоил
ибн Иброҳим ибн Мугайра
ибн Варда зебҳининг
ҳадисига берилган шарҳ
хисобланади.

“Ҳикмат-ул айнга”
номли араб тилида чоп
этилган янабир тошбосма
китоб эса 739-саҳифагача
сақланган. Нажмиддин
ибн Ҳасан Али ибн Үмар
Исломнинг мазкур ислом
шариатига оид масалалар-

ри тўплами 1904 йил 30
декабрда Козон шахрида
чоп этилган.

Ҳоғиз Шерозийнинг XIV
асрга оид “Девони
ғазал” кўёлэзма аса-
ри эса ҳаттот Ал-Малик
ал-Ваҳҳоб томонидан
форс тилида битилган.
Шунингдек, Мирзо
Абдуқодир Бедилнинг
тош босма усулида чоп
этилган “Девони ғазал”,
“Девони ғазал Маснавий”,
“Муҳит аъзам” каби форс
тилида битилган шеърий
асарлардан иборат китоби
тўлиқ сақланмаган. XVIII
асрга оид ушбу нашр-

нинг 17-саҳифасидан
492-саҳифасигача етиб
келган.

Бу дурдона асарлар
иҷида Муҳиддин ибн Арабийнинг “Пайғамбаримиз
(с.а.в.) нинг сурати ва сий-
рати тарихидан” номли
асари ҳам бор. Мазкур
китоблар ҳали охиригача
тўлиқ ўрганилмаган.

Р.ХУДОЙБЕРДИЕВ
Термиз
археология музейи
имли ишлар бўйича
директор ўринбосари
Н.ХУДОЙБЕРДИЕВА,
музей кутубхона
мудири

Халқаро фестиваль

**Ўзбек
санъаткор-
ларидан
маҳорат
дарслари**



Болгария Республикаси нинг Несебр шаҳрида бўлиб ўтган "Euro Folk-2019" Европа фольклор фестивали доирасида ўзбек санъати ва маданийтига бағишиланган маҳорат дарслари ҳам ўтказилди. Унда ташриф буюрган меҳмонларга миллий мусиқа асблоримиз, рақс ҳаракатлари тўғрисида

маълумотлар берилди.

Йигирмата давлатдан 40 дан ортиқ гурухлар қатнашган ушбу чемпионатда ўзбек санъаткорлари умумжамоа ҳисобида 2-уринни эгаллашди. 1-урин Болгария санъаткорларига, 3-урин украиналикларга насиб этди.



Юртимиз музейлари

"Авесто" – илк таракқиёт қомуси

Инсоният тарихида хат-ёзув пайдо бўлганидан бери ўтган 5-7 минг йиллик даврларида аждодларимиз неча юз минглаб ёдномалар ёзиб қолдиргандар. Ёзувлар дастлаб ёточ пўстлогига, тошга, терига, пергамент парчалари, кейинроқ мис, темир тахтачаларга, суняк ва ипак матоларга битилган.


Сўнгги йилларда мамлакатимизнинг Сармишой (Навоий вилояти), Обигарм (Тошкент вилояти), Султон Увайс тогён багирлари (кўхна Хоразм)дан топилган овчиник, чорвачилик касбнин ифодаловчи шакл-расмлар, жумладан, ой, кўёш, ноль ёки бир ракамини эслатувчи белгилар тарих фанида ўзига хос ажойиб янгилек бўлди. Негаки, юқоридан эслатиб ўтталган қоя ёзув белгилари ўзидан кейин такомиллашиб ҳозирги ҳолатга келган хат-ёзув, алфоболарнинг дебочаси бўлган эди.

Жаҳон ҳалқлари адабиётининг нодир дурданалари: "Гангамиш", "Үлкакард китоби", "Ун-ци", "Трипитака", "Веда", "Инжил", "Таврот", "Илиада" каби китоблар қўшиқ, достон, мадхия, афсона ва мифлар шаклида авлоддан-авлодга оғзаки ва ёзма тарзда ўтиб, бизгача этиб келган. Ана шундай асарлар ичидаги учун энг ноёби "Авесто" китобидир. У кадимги хоразмийлар тилида "Пўстак", "Апастак", кейинчалик "Абиста", яъни мол териси – пўстакка битилган битиклар деган маъноларни анатгатди.

Тадқиқотчилар "Авесто" китоби Хоразм воҳасида ёзилганини тан олдилар. Уни нафакат тарихий, этнографик, диний, балки еру осмон, борлиқ ва инсон тафakkurinинг мангуглиги, дунёнинг яратилиши, наботот ва табобат, эзгу фикр, эзгу сўз ва амалларни тарғиб этивчи, дунёни янгилашга қаратилган илк цивилизация қомуси, деб хисоблайдилар. Унинг марказида ер, сув, ҳаво, ўт-олов ва атроф-муҳитни яшнатувчи инсон меҳнати, унинг ақлу заковати билан вужудга келадиган тамаддун тараққиётни эзгуликлари мужассамидир.

Дунёни ҳалқлари тарихида ҳеч бир китоб "Авесто" чалик каршиликка дучор бўлмаган, ўт-оловда ёндирилса ҳам, ўйк бўлиб кетмаган.

Абу Райхон Беруний "Едгорликлар" асарида қайд этишича, "Доро-



сарайида "Абиста"нинг 12 минг корамол терисига тилло суви билан битилган нусхаси бор эди. Уни Искандар Зулкарнайн ўтда ёқди ва бир қисмини устози Арастуга (Арестотел) "жунатди" деб ёзади.


Халқаро ЮНЕСКО ташкилоти ҳукуматимизнинг "Авесто" китоби ёзилган сананинг 2700 йиллигини кенг миқёсда нишонлаш бўйича тақлифини маъкуллаганидан сўнг Урганч шаҳрида 20 гектарлиг боф-мажмуда бўйнад этилди ва 16 метрлик маҳоратли ёдгорлик ўрнатилиди.

Ва лекин... "Авесто" ватани – Хоразм ўлкасида унинг месори, ярилган тарихи, маҳаллий ҳалқ турмушда ҳанузагча амал қилинib келгатган урф-одат, расм-руссумлар, топономик ёдгорликлар, рақс, лапар, фольклор санъатидаги жозибадор ўйинлар ҳақида ҳикоя қилиувчи музей яратиш ҳеч кимнинг ҳаёлига ҳам келмади. Бу муаммони ҳал этиш учун ўлкашунос-археолог ва санъаткорлар бел бобгл ишга киришдилар.

2000-2001 йилларда воҳа бўйлаб илмий-амалий экспедиция ташкил этилди. Унинг таркибида этнограф, археолог, марғеолог, тарихи олимлар, телевидение музейлари бор эди. Экспедиция икки йил баҳор ва куз ойларида Туямуйин дарасидан Орол денизигига, Хива атрофидан Аёз қалъагача бўлган сал кам 70 километрлик ўйлни қадамба-қадам босиб, кўхна қалъалар, ҳаробалар, зиёратгоҳ ва қабристонлардан 100 дан зиёд артефактлар, остионлар, топономик номлар, 5-7 минг ва ҳатто миллион йиллик ўтмишга донир ноёб ашёйи далиллар. Шу тарнида ташкил этилган "Авесто" музей тарисига ёзилган графика нусха макети (нусхаси), XV-XIX асрларда Хиндистон (Бомбей), Париж, Лондон, Константинополис, Москва, Техрон ва Тошкент шаҳарларида босмасдан чиқарилган китоб нусхалари (ёки копиялари) – томошабинларда катта таассурот қолдирмоқда. Бу ерда муҳаддас китоблар на мойиш этилаётгани дунё динлари ҳақида маълумот беришга хизмат килмоқда.

Маълумки, "Авесто"ни тиклаш учун 14 аср вақт кепрек бўлди. У дастлаб 1991-1992 йилларда "Гулистан" журнали саҳифаларда босиб чиқарилди. 2001-2015 йилларда Faafur Гулом номидаги адабиёт ва санъат нашириётида икки марта кўп нусхада чоп этилди.

Айни пайтда бу ерда 2006 оқ-



"Авесто"нинг биринчи наширида марҳум профессор Т. Маҳмудовнинг салмоқли мақоласи бўлиб, унда китоб тарихи ҳақида мухтасар фикр юритилган. Иккинчи наширида эса профессор Н. Жӯраевнинг "Зардуштийлик – цивилизациявий ҳодиса" номли илмий мулҳозалари – эссе билан янада бойитилган.

Музейнинда "Авесто" китобига бағишлаб ёзилган талайтина илмий-оммабоп рисолалардан ташқари, унинг маъно-мазмунини акс этитирувчи ранг тасвир асарлари ҳам жойлаштирилган. Табиийки, бундай экспозициялар бутун дунёда, шу жумладан, мамлакатимизда нуфузи ошаётган авестошунослик на зарий ва амалий ҳижатдан янги погонага кўтарилаётганини кўрсатади. Аниқланган далиллар, ёзлон этилган мақолалар, санъат асарлари, жумладан, ўзбекистон ҳалқ рассоми Тўра Курёзовнинг "Авесто" мавзусидаги жозибадор полотнолари чиндан ҳам "Авесто" ватани Хоразм воҳаси эканлигини тасдиклийди.

"Авесто" дунё ҳалқлари тадмудуни (цивилизация)нинг рад этиб бўлмайдиган формуласи – тамал тоши, десакс ҳеч муболага бўлмайди. Ундаги асосий ҷаҳонирик – эзгу фикр – бошояният, ўй, эзгу сўз – лойиха,

концепция, эзгу амаллар... – бажариладиган юмушлар, уйиморат, курилмалар. Ахир бу ҳар қандай жамиятда, ҳар қайси минтақада, ҳар қандай муҳитшароитда амалга оширилиши лозим бўладиган ҳолатлар тизимишин режаси эмасми? "Авесто" – инсонларни эзгу сўз, эзгу амалларга дайваш этувчи ва хавфхатардан огоҳликча чақириувчи манти чақирикдир.

Шу ўринда воҳа тарихида умрни эзгуликка баҳшида этган буюк шахсларни эсламай ўтиш мумкин эмас. Ўз ҳисобидан воҳада энг гўзал минорани курдирган Хива хонининг бош вазирин Сайид Ислом Ҳўжа, Хоразм тархида санъати дурданаларни йиғиб, дунёга донг таратган буюк ўлкашунос коллекционер И.В.Савицкий (1915 йил, Киев, 1984 йил, Нукус), урганчлик Ниёзмат Ҳожи Матчанов (1925-2006), ЮНЕСКО халқаро ташкилоти информатия академиясининг ҳақиқий аъзоси, профессор Худоёр Оллоёров эзгу амалларни шиор қилиб, ҳаёт мазмунига айлантириб, ўзларидан бебаҳо мерос қолдирган саҳоватли, улуғ инсонларни эдилар.

Урганчлик Ниёзмат Матчонов умр бўйи тўплаган маблағларини "Авесто мероси" (Хоразм тархида санъати дурданаларни йиғиб) музейи учун васият килган. Бугун Урганч шаҳрининг Шовот канали соҳилидаги муҳташам саройда халқаро "Олти мерос" жамғармаси соҳилидаги хайрия музейи ўз фаолиятини олиб бормоқда.

Комилжон НУРЖАНОВ,
"Авесто" музейи директори

Халқаро танлов

Яна
бир ютуқ
муборак!



Термиз шахридаги 2-болалар мусиқа ва санъат мактаби ўқувчиши Комила Астанақурова 2 июль куни Россиянинг Санкт-Петербург шаҳрида ўтказилган "Артист-2019" Халқаро фестивалининг "Я могу" лойиҳаси асосида ташкил этилган танловда қатнашиб, И даражада диплом билан тақдирланди.

Комила бундан олдин Москвада ўтказилган бастакорлар ва ижрочиларнинг XI Халқаро конкурсида 2-уринни эгаллаганди. Уйил да-

вомида Россиянинг "Голос дети" кўрсатувида фаолиштирок этиб, кўлга кириштан ютуқлари учун "Зулфия" номидаги Давлат мукофотига ҳам муносиб кўрилди.

Сурхондарё вилояти ҳокимлиги ва маданият бошқармаси Комилланинг эришган ютуқлари учун 2-БМСМ ўқитувчиши Нурика Георгиевнага миннатдорчилик билдириб, ўқувчининг навбатдаги ғалабаси билан муборакбод этилди.

Абитуриент-2019

ЎзДСМИ: қабул жараёни қандай кечмоқда?



Шу кунларда олий таълим мусаассалари талаба бўлиш илинжидағи толиби илмлар билан гавжум. Уларнинг фикру ҳаёлини биттагина савол банд этган: "Бу йил талаба бўла олармикман?"

Мамлакатимизда илмига чанқоқ ёшлар, хусусан, абитуриентлар учун қулаликлар бу йил яна-да кўпайди: қабул жараёни соддалаширилди. Ҳужжат топширишида ортиқа сарсонгарчиларга чек қўйилди, кириши имтиҳонларида ҳам шаффофлик, ошкоралик ва очиқлик тамошларига амал қилинши катъый назорат остида бўлиши айтимоқда, ўқишига қиришга ёрдам берини вадда бўла олармикман?"

Мамлакатимизда илмига чанқоқ ёшлар, хусусан, абитуриентлар учун қулаликлар бу йил яна-да кўпайди: қабул жараёни соддалаширилди. Ҳужжат топширишида ортиқа сарсонгарчиларга чек қўйилди, кириши имтиҳонларида ҳам шаффофлик, ошкоралик ва очиқлик тамошларига амал қилинши катъый назорат остида бўлиши айтимоқда, ўқишига қиришга ёрдам берини вадда бўла олармикман?"

Мамлакатимизда илмига чанқоқ ёшлар, хусусан, абитуриентлар учун қулаликлар бу йил яна-да кўпайди: қабул жараёни соддалаширилди. Ҳужжат топширишида ортиқа сарсонгарчиларга чек қўйилди, кириши имтиҳонларида ҳам шаффофлик, ошкоралик ва очиқлик тамошларига амал қилинши катъый назорат остида бўлиши айтимоқда, ўқишига қиришга ёрдам берини вадда бўла олармикман?"

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректори Гўзал ХОЛИҚУЛОВА билан шу мавзуда сұхбатлашидик.

— 2012 йилдан санъат ва маданият институти мақомида фаолият бошлаган олий таълим даргоҳи ўтган қиска муддат давомида ҳалқимиз маданияти ва санъати ривожи йулида муносиб хизмат кўрсатадиган мутахассисларни етказиб бериш масъулиятини талаб даражасида бажарib келмоқда, — дейди сұхбатдошимиз. — Ҳозирги кунда жами талабалар сони 1898 нафари бакалавриатда, 88 нафари магистратурда, 213 нафари сиртқи ва маҳсус сиртқи бўлимларда таҳсил олмоқда. Уларга 205 нафар малакали профессор-ўқитувчилар таълим-тарбия берib келмоқда. Ҳалқ ижодиёти, театр санъати, кино, телевидение ва радио санъати каби факультетлар негизида 21 та йўналиши бўйича таълим олган биттирувчиларимиз санъат ва маданият соҳасида ўз йўналишлари бўйича соҳа ривожига муносиб ҳисса кўшаётганини таъкидлаш жоиз.

— Тўғри, шунинг учун ҳам таълим соҳасидаги қарорларда ўқитишининг сиртқи таълим шакли жорий этилган. Ҳозирги кунда сиртқи ва маҳсус сиртқи бўлимда 213 нафар талаба таҳсил олмоқда.

— Бу йилги қабул жараёни ҳақида нималарни айтина оласиз?

— 2019-2020 ўкув йили учун ҳужжатлар қабул қилиш давом этмоқда. Бу йил санъат ва маданият институтига таълимнинг 21 йўналиши (жумладан: қасб таълими, санъатшунослик, актёрлик, режиссерлик, техногон санъат, кинооператорлик, ҳалқ ижодиёти, маданият ва санъат мультимедиевий лойиҳалаш, кутибхона ва ахборот фаолияти, ижтимоий маданий фаолият, санъат соҳасида про-диссерпик) бўйича 570 нафар талаба қабул қилинади. Уларнинг 38 нафари грант, 532 нафари тўлов-контракт асосида ўқиши режалаштирилган.

— Шу ўринда сиртқи таълим йўналиши бўйича қабул жараёни хусусида кенгрок маълумот берсангиз...

— Ҳозирги кунда ўқиш, изланиш, олий маълумот олиш иштиёқидаги ёшлар, соҳа вакиллари учун кўшими чоқуликлар яратилётганидан яхши хабардорсиз. Ху-



сусан, ҳам ўқиб, ҳам ишлаш мумкинлиги сиртқи бўлимга бўлган қизиқишин кучайтирид. Масалан, маданият соҳасида бир неча йиллардан бўён фаолият олиб бораётган тажрибали мутахассислар, каммида 3 йиллик стажи боарлар маҳсус сиртқи бўлимга қабул қилиниб, улар учун имтиёзлар имкон доирасида яратилиди. Лекин мактаб, коллеж, лицейни туғатиб келаётган биттирувчилардан стаж талаб қилинмаслиги ҳам бор гап. Демак, ҳужжат топширища улар учун ҳеч қандай муаммо бўлмайди.

Шу кунгача кундузги бўлимга 1351 та, сиртқига эса 1671 та ҳужжат қабул қилинди. Сиртқи бўлимда бўйил 175 нафар талаба ўқиши. Лекин улар фақат тўлов-контракт асосида ўқишида.

Шундай бўлса-да, олий маълумот олиш истагидаги талабгорлар оз эмас. Ҳозирча

ҳужжатларни 15 июня-ча қабул қилиш ҳақидағи қурсатма бўйича иш олиб борилияти. Шундай экан, ҳурматли абитуриентларимиз тезроқ ҳаракат қилишлари керак. Талабалик насиб этган ёшларимизни эса илм-фан, санъат ва маданият соҳасидаги энг сўнгги янгиликлар, инновациялар асосида ўтиладиган дарслар, соҳанинг етук мутахассислари, профессор, олимлар, эл севган санъаткорлар, режиссёр ва актёрлар иштирокидаги учрашувлар, семинар дарслар кутмоқда. Ҳозирги кунда 52 нафар талабамиз республика миқёсидаги, 26 та талаба ҳалқаро конференцияларда иштирок этиб, кимматбахо совғалар ва дипломларга эга бўлишиди. Уларнинг уч нафари ўзбекистон Республика Президентин стипендияси, Алишер Навоий, Ислом Каримов номидаги стипендиялар сориндори хисобланади. Умид қилимизки, бу йил даргоҳимизга қабул қилинадиган ёшлар орасида ҳам мана шундай ютуқларга сазовор бўлиб, институтимиз шағарини ҳимоя қиладиган иқтидорлилар кўп. Натижаларни эса вақт кўрсатади.

С.РИХСИЕВА
сұхбатлашиди.

Танлов

Ғолиблар тақдирланди



6 июль куни Ўзбекистон давлат консерваториясида "Халқ чолгулари ижрочилари" республика танлови ғолибларни тақдирлаш маросими бўйлди.

Олти кун давомида 100 га яқин ижрочилар иштироқида ўтган ушбу танлов 7 та номинация бўйича қиззин беллашувлар билан кечди. Ғолибларни тақдирлаш маросимида Ўзбекистон давлат консерваториясининг икки талабаси – биринчи ўрин соҳиби Тоштемир Шукурлаев ва учинчи ўринига муносиб кўрилган Даъронбек Каҳрамоновларнинг битта найни биргаликда чалган ҳолда куттилмаган чиқиши барча томошабинларнинг қизгин олқишига сазовор бўйлди.



Тадбирда Ўзбекистон Республикаси маданият вазирини Баҳтиёр Сайфуллаев иштирок этиб, ғолибларни мукофотлашдан олдин мазкур танлов ҳақида ўз фикрларини билдириди.

— Ушбу танловга юртимизда неча-неча санъат ва маданият масканларида таълим олайдган ёшларимиз бўла туриб, бор-йўги 94 нафар ижрочи қатнашгани яхши натижага эмас, – деди маданият вазири. – Минглаб ёшлар бу танловга келиб, ўзини синаф кўриши керак эди. Мана, ютуқлар ҳам ёмон эмас. Биринчи ўрин соҳибларига минг доллар атрофида пул мукофоти ва Ўзбекистон давлат консерваториясига имтиёзли равишда ўқишига кириш имкони берилмоқда. Кейинги танловларда қатнашчилар сони яна-да кўпроқ бўлади, деган умидидаман.

Ҳакамлар ҳайъатининг қарорига асоссан танловнинг 7 нафар иштирокчиси 1-ўрин, 8 нафари 2-ўрин, 7 нафари 3-ўринига муносиб кўрилиб, қимматбахо совғалар билан тақдирланди. Биринчи, иккинчи учинчи ўринига барчасига энг кам иш ҳақининг 40, 30, 20 баравари миқдорида пул мукофотлари берилди.

Тақдирлаш маросимида сўнг танлов иштирокчиларининг гала концерти намойиш этилди.

А.МУМИНОВ,
муаллиф олган суратлар

» Санъат мактабларида

Китоб акцияси

2 июль куни Бухоро ихтинослаштирилган санъат мактабида “Беш ташаббус, беш қанот” лойиҳаси асосида “Президентин ташаббуси – ёшларимиз имконияти” деб номланган китоб акцияси ўтказилди.

Акция давомида бар-

ча устоз-мураббий, педагоглар, ўқувчилар ўзи, севиб, мутолаа қилган китобларни мактаб кутубхонасига совға тариқасида топширилди.

Шунингдек, 2018-2019 ўкув йилида маданий-маърифий тад-

бирларда фаол иштирок этган иқтидорли ўқувчи-ёшлар ва уларнинг кўп йиллик тажрибага эга устозлари мактаб раҳбарияти томонидан тақдирланди. Тадбир давомида битириувчиларнинг дипломлари топширилди.



» Фестиваль

Ҳаваскор жамоалар беллашуви



27 июнь куни Бухоро вилояти мусиқали драма театрида ҳаваскор театр жамоалари ҳамда театр студияларининг фестивали бўлиб ўтди.

Вилоят маданият бошқармаси томонидан ташкил этилган ушбу тадбирда барча туманлардан келган ҳаваскор жамоалар ўзларининг актёрик маҳоратларини намойиш қилишиди.

Фестивалда Коровобозор туманинг вакиллари ҳаваскор театр жамоалари номинацияси бўйича, вилоят ёкирчоқ театри эса театр студиялари номинацияси бўйича биринчи ўринга муносиб топилди. Фестиваль голиблари вилоят маданият бошқармаси томонидан кимматбаҳо совғалар ва биринчи дарожали диплом билан тақдирландилар.

» Кўрик-танлов

Вилоят босқичига йўлланма олди

Ўсиб келаётган ёш авлод қалбida Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғуларини камол топтириш, она юрт тақдирига даҳлорлик хисси билан йўғилган мазмунан теран, бадиий етук қўшиқлар яратишини рағбатлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Маданият vazirligiga томонидан ташкил этилган республика миқёсидаги “Ягонасан, муқаддас Ватан!” шиори остидаги қўшиқлар кўрик-танлови янги-янги истеъоддег экаларини кашф этмоқда.



3 июль куни Андикон вилояти Булоқбоши туманинаги “Ширмонбулук” маданият марказида юртимиз мустақиллигининг 28 йиллигига багишинланган ушбу кўрик-танловининг туман босқичи бўлиб ўтди. Унда 20 дан ортиқ профессионал хонандалар, якка ижроилар ва ҳаваскор қўшиқилар катнашдилар.

Танлов давомида Шерзодбек Хотамов, Муслимбек Мўминов, Раҳматилло Тиллаев ва Шоҳруҳбек Ҳусановларнинг чиқишлиари ҳакамлар ҳайъати томонидан юқори баҳоланди. Улар танловининг вилоят босқичида иштирок этиш учун йўлланмани кўлга киритишиди.

С.СОТВОЛДИЕВ,

Андикон вилояти Булоқбоши тумани
маданият бўлими мутахассиси

» Янги спектакль

Халқимизнинг севимли адиби Абдулла Қодирийнинг ҳажвий асарлари асосида ilk маротаба ёкирчоқ театрлари учун саҳна асари яратилди. Сурхондарё вилояти ёкирчоқ театри жамоаси драматург Шавкат Дўстмуҳаммаддин Абдулла Қодирий ҳажвий асарлари мотивида яратган “Қодирий кулдирганда” номли сатирик комедиясини томошабинларга тақдим этди.

“Қодирий кулдирганда”



Қодирий ҳажвий асарларида ҳам кучли ижтимоий гояларни тарғиб килишиб билан бирга жамиятга ҳаётига бефарқ эмаслигини яққо зөздирган. Жамиятдаги ҳар бир иллат – кимматчилик, йўқчилик, нотўғри тақсимотлар, ахлоқизлиқ, мутасиблик, фикрсизлик, локайдлик, лакмалик, соддалик ва фирибгарлик каби нуқсонлар ёзувчининг назаридан четда колмаган. Адабнинг “Думи тушиб колибди”, “Гирвонлик Малловой”, “Калвак маҳзумининг хотира дафтаридан”, “Тошпӯлат тажанг нимадейди?” каби асарларидағи қаҳрамонларига ўзашаш инсонлар бугунги куниизда ҳам учраб туради.

Мана шундай асарлар асосида саҳналаштирилган спектакль қаҳрамонларини Валишер Раҳмонов



(Маллабой ва масҳаробоз), Бахтиёр Алимардонов (масҳаробоз), Зебо Каимова (Калвак маҳзум), Шерзод Турсунов (Тошпӯлат тандир), Малоҳат Жумаева (Фотима)лар ижро этишиди.

Ёкирчоқ театри учун ёзилган ушбу пьесада бугунги ҳамда ёзилган эскизмаган мавзу – одамларнинг абтор турмушини кўрмай, эшаги бошлаган томонга йўргалайдиган амалдорларнинг халқ дарду ташвишига қизиқмаслиги очик баён қилинган. Томошабин кўз ўнгиди Маллабойнинг фош бўлиши одамларни алдашнинг, фирибгарлик қилишининг салбий оқибатларини очиб беради. Асар бирорининг ҳақидан ҳазар қилиш, шу билан бирга, мўъжиза кутмасдан ўзи учун меҳнат қилиш шартлиги ҳақидаги доимий долзарб бўлган

юяларни илгари суради.

Премьерада Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги “Репертуар таҳрир” бўлими бошлиғи, драматург Ҳайитмат Расул иштирок этди. У ҳали ёш бўлишига қарамай, ижодда дадид қадамлар ташлаётган драматург Шавкат Дўстмуҳаммаддин янги асар билан кутлаб, муввафқиятлар тилади.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатадиги Шомурод Юсупов режиссёrlигида саҳналаштирилган мазкур асар расоми – З.Ёдгоров, ёкирчоқ устаси – А.Норбоеv, мусиқаларни эса С.Рўзиев танлаган.

Спектакль илк намойишдаёқ томошабинлар олқишига сазовор бўлди.

**Муҳиба ИСМАТУЛЛАЕВА,
Муаззам НИШОНБОЕВА**

»

Ягонасан, муқаддас Ватан!

4 июль куни Андикон вилояти Марҳамат туман маданият бўлими ҳамда ёшлар иттифоқи туман кенгаши ҳамда қўшиқлар мусиқасига эътибор берилди. 14 нафар иштирокчи катнашган тадбирда она Ватанини мадҳ этивчи тароналар янгради.

Голибларга танловнинг вилоят босқичида иштирок этиши учун йўлланмалар берилди. Шунингдек, улар маданият бўлими ҳамда ёшлар иттифоқининг фахрий ёрликлари ва кимматбаҳо совғалари билан тақдирландилар.

А.ЮЛДАШЕВ,
Андикон вилояти Марҳамат туман маданият
бўлими мудири



» Тақдимот

Саҳнада – “Айик” спектакли

9 июль куни Бухоро вилояти мусиқали драма театрида Антон Чехов қаламига мансуб комедия жанридаги “Айик” деб номланган спектакль намойишни этилди.

Мазкур асар Ўзбекистон халқ артисти, “Эл юрт хурмати” ордени соҳиби Убайдулла Омон режиссёrlигида саҳналаштирилди. Спектакль учун мусиқалар Юрий Йсмагилов томонидан танланган.

Янги асар томошабинлар томонидан илиқ кутиб олинди.



Халқаро танлов

20-27 июнь кунлари Италияниң Рим ва Пезаро шаҳарларидаги "Grand festival" В халқаро танлови бўлиб ўтди.

Дунёнинг 16 та мамлакатидан 1500 га яқин иштирокчи қатнашган ушбу танловда Ўзбекистон Республикасидан ягона жамоа сифатида Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳридаги 3-болалар



мусиқа ва санъат мактабининг 4 нафар иқтидорли ўқувчиси юртимиз шарафини мунособ ҳимоя қилишди.

Ўқувчилар ўз чиқиши билан ҳайъат аъзолари ҳамда барча томошибинлар олқишига сазовор бўлишди. Танловда эстрада хонандалиги йўналиши бўйича Далер Бегматов, Бехруз Юнусов

ҳамда Муштарий Абдуҳамидова ҳамда ҳалқ чолғулари йўналиши бўйича Муборакбону Абдуҳамидовлар 1-ўринни, хореография йўналиши бўйича Муштарий Ахмедова 3-ўринни кўлга киритдилар.

А.УЛУГБЕКОВ,
Чирчиқ шаҳридаги
3-БМСМР раҳбари

Ташаббус ижроси амалда

**"Коромон" да кутубхона очилди**

Хоразм вилоятининг Ургач тумани Коромон маҳалласидаги "Коромон" маданият маркази биносида янги кутубхона ўз фаoliyatiini бошлади.

Президентимиз илгари сурган мухим беш ташаббус асосида чекка қишлоқлардаги ёшларни кенг тафаккури, янада билими ва баркамол қилиб тарбиялаш, маънавиятини юксалтириш мақсадида туман прокуратураси бошчилигида очилган мазкур маскан таъмиirlaш ишлари якунлангач, зарурти техника ва жиҳозлар билан таъминланди.

Хозирги кунда бу ерда 2500 зиёд китоб мавжуд. Келгусида яна турли мавзудаги 15000 та китоб ажратилиши режалаштирилган.

Кутубхонанинг 20 ўринли ўқув залиҳам бор бўлиб, айни пайтда нафақат мактаб ўқувчилари, балки турли ёшдаги қишлоқ аҳолиси ҳам ундан фойдаланиши истагини билдирилмоқда. Этти ёшдан 58 ёшгача бўлган аҳоли вакилларидан иборат аъзолар сони бугунги кунда 100 дан ошиди. Китобхонлар учун адабиётлардан расмиятичликсиз фойдаланиш, шунингдек, замонавий турдаги компютерлар ёрдамида керакли маълумотларни электрон тарзда олиш имкони ҳам яратилди.



Коромон қишлоғи худудида 4 та маҳалла жойлашган бўлиб, бугунги кунда мазкур маҳаллаларда 13357 нафар аҳоли истиқомат қилиб келади. Уларнинг 3082 нафарини 14 ёшдан 30 ёшгача бўлган ёшлар ташкил қиласди. Қишлоқдаги маданият марказида ташкил қиласидаги тўракларга бу ёшларнинг 150 нафари ўз қизиқишилари асосида доира, рубоб, кўйирчоқ театри ва анъанавий ижрочилик йўналишлари бўйича жалб қилинган.

Дониёр АМАНОВ,
маданият маркази мудири

Театр ва ҳаёт

**Пойтахт саҳнасида
“Алломаи замон”**

Сурхондарё вилояти мусиқали драма театри ижодий жамоаси таниқли исломшунос олим Убайдулла Уватов ва Гулом Шермуҳаммадовлар қаламига мансуб "Ҳаким ат-Термизий" асари асосидаги "Алломаи замон" спектаклини саҳналаштириди. Асарнинг илк намойишни пойтахтда, Ўзбек миллий академик драма театрида бўлиб ўтди.



Қарийб минг асрлик тарихга эта бўлган ҳалқимиз номи дунёга танилган буюкаждоддларимиз билан ҳамиси фарҳадни келган. Уларнинг ҳар бирни ҳаҷон имл-фани тараққиети, тамаддунига қўшган бекиёс хиссаси билан миллатимиз обўр-эътиборни кўкларга кўтартган. Шундай улуг алломаларимиздан бўлган Абу Абдуллоҳ ал Ҳаким ат Термизий диний ва дунёйи илмларни мукаммал ўзлаштириб. Ҳозирнинг нодир асарлари билан ислом дини ва маданияти ривожига улкан ҳисса кўшган, Шарқ ренесансини бошлаб берган даҳолардан бириди.

Алломанинг "Наводир алусул фи маърифат аҳбор ар-Расул", "Китоб ҳақиқат ал-одамия", "Адаб ан-нафс", "Хат-мул-авлиё" каби бизигча етиб бўлган саксонга яқин асарлари дунё олимлари эътирофига сазовор бўлган. Ҳаким ат-Термизийнинг ибратли ҳаётни ва ижодини ўрганиш, тарғиб қилиш мақсадида

саҳналаштирилган спектаклини завқу шавқ ва ҳаяжон билан томоша қилганлар, тан олиш керакки, буюк аллома ҳақида энг ёрқин таассуротларга эга бўлишди. Бу ўринда Ҳаким ат-Термизийнинг мағзи тўқ, пурхикмат донишмандона лутғи, инсоний фазилатларининг гўзал ифодаси, моҳирона режисура (Ўзбекистон санъат арабби Мансур Равшанов), саҳна безаклари (Ўзбекистон санъат арабби Баҳтиёр Тўраев), юксак дид билан тикилган либослар (раском — С.Зунунува) ҳамда оммавий саҳналар, рақслар ўзинида (балетмайстерлар — Ш.Жўраев, З.Ниязова) маҳорат билан кўйилган ва албатта, ҳар бир актёрнинг ўз ролини ишиёқ, меҳр-муҳаббат, чукур масъулият билан ижро этганида, десак, айни ҳақиқатидар. Камтарона ҳаёт кечириши, тинимиз ўқиши, изланишлари билан донишмандлик рутбасига эришган аллома ҳақидағи томошанинг ҳар лаҳзасидан ибрагу ҳикмат акс этиб турганини

ҳам таъкидлаш жоиз. Бу бора-да албатта адабий маслаҳатчи, филология фанлари номзоди, драматург Ш.Ризаевнинг ҳамизмати сезилиб туриди.

Шундай саҳна асари яратилишига бош-қош бўлган илм-фан, маданият ривожига аллоҳида эътибор қаратётган давлатимиз раҳбарининг моддий ва маънавий рағбати, Маданият вазириларининг эътибори, Миллий театр жамоаси-нинг меҳр-оқибати, муҳлисларининг самимий олқишилари сурхондарёлик актёрлар жамоасига бекиёс кўтарилинилар, гайрат-шижоат бағишилагани шубҳасиз.

— Бизнинг фахру ифтихори-миз бўлган аллома аждодларимиз ҳақида ўқиб-ўрганиш, из-заниш ҳар биримизнинг ва-зифамиз, — деди спектакль намойишини очиб берган ма-

даният вазирининг биринчи ўринбосари О.Назарбеков.

— Аммо уларнинг сиймосини саҳнада гавдалантириш, тарихий воқеаларни қизиқарли, ишонарли қилиб томошибинга етказиб олиш катта масъулиятидир. Шу мавзуда Сурхондарё вилоят мусиқали драма театри бу улкан масъулиятни удлашади, давлатимиз раҳбарининг ишончини оқлашга ҳаракат килишиди. Бу хайрли ташаббус — тарихий мавзулардаги, аждодларимизнинг бой маънавий-маърифий мероси, ибратли ҳаёт ҳақидаги асарларни саҳналаштириш барча театрларимизда давом этиди, деган умиддамиш.

Сайдера РИХСИЕВА,
"Маданият"
газетаси мұхабири.
А.МУМИНОВ
олган суратлар



Халқаро фестиваль

Ўзбек дорбозлари ютуғи

6-9 июнь кунлари Қозогистон Республикасининг Нур-Султон шаҳрида "Эҳо Азия" ("Осиё оҳанглари") XII халқаро цирк фестивали бўлиб ўтди. Унда ўзбек давлат цирки артистлари ҳам қатнашиб, Ўзбекистон шаҳарини мунособ ҳимоя қилилар.

Ушбу фестиваль-танловда юксак ижро ва профессионализм учун ҳамортизим — Рустам Ҳаметов бошчилигидан тақдим этилган дорбозлик томошаси 2-ўринга мунособ топилди ва цирк усталари фестивалнинг кумуш медали билан тақдирландилар.

Бу йилги фестивалда Ўзбекистон билан бирга Қирғизистон, Украина, Россия, Вьетнам, Хитой каби давлатлардан ҳам цирк санъати усталари иштирок этишиди.

Газета Ўзбекистон
Матбуот ва ахборот
агентлиги томонидан
10.04.2018 г. 08:03 қаражи
билин давлат
рўйхатидан ўтикалдган.

Таҳририята келган кўлёзмалар қайтарилимайди ва ёзма жавоб берилмайди. Мақолада көлтирилган факт ва асосларга муаллиф жавобгар, унинг фикри таҳририят фикридан фарқланиши мумкин.
«Маданият» материаларидан фойдаланилганда манба кўрсатилиши шарт.

Намр учун маъсул: Муҳаббат Шарифова
Навбатчи мухаррир: С.Рихсиева
Навбатчи: Н. Содикова
Адади - 8 718 **Буюртма - Г - 727**
Сотувда келишилган нарҳда
Коғоз бичими А-3, Ҳажми 2 босма табок

Газета "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида
чоп этилди.
Корхона манзили:
Тошкент шаҳри,
Буюк Турон кӯчаси, 42.
Босмахона топшириш
вакти - 21.00
Топширилди - 21.00

МАДАНИЯТОБУНА ИНДЕКСИ:
285

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон
Республикаси
Маданият
вазирилиги,
«Dildosh media» МЧЖ

Бош муҳаррир
Дилбахор Ҳудойбердиева
Таҳририят манзили:
100029, Тошкент шаҳри, Тарас
Шевченко кўчаси, 1.
Тел.: Факс: (371)-256-04-54

Газета ҳафтанинг пайшанба куни чоп этилади.